*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**28 декабрь**
ЧОРШАНБА
**№ 104** (12948)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

www.thtp.uz

## ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мустақиллик йиллари юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солинди ва у жадал ривожланиб бормоқда. Айни пайтда автомобилларнинг бир қатор бутловчи ва эҳтиёт қисмлари ҳам маҳаллий корхоналарда тайёрланаётир.*

❑ Маҳаллийлаштириш дастури – амалда



Бўка туманидаги "Platinum Plass" масъулияти чекланган жамиятида енгил ва юк автомобилларининг олд, орқа ва ён томон ойналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

– Узоқ йиллик тажрибамдан маълумки, автомобиль ойналарига талаб катта ва улар, асосан, хориждан олиб келинарди, – дейди жамият масъул ходими Анвар Мусаев. – Шу боис, бу ойналарни ўзимизда ишлаб чиқарса бўлмасмикин, деб ўйлардим. Бу ният мени изланишга чорлади. Албатта, бу жараён анча мураккаб бўлиб, алоҳида тайёргарлик ва масъулият талаб қилади. Шунинг учун хориж сафарларига борганимда турдош корхоналарнинг фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилдим, мутахассислар билан маслаҳатлашдим. Ҳаракатлар беиз кетмади, 2015 йилда ушбу янги соҳани ўзлаштирдик. Эндиликда ташкилот, корхона, хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг буюртмалари асосида турли русумдаги автомобиллар учун махсус ойналар тайёрлаб берилмоқда.

Масъулияти чекланган жамият раиси Саиджон Абдураҳмонов аввал бинони тўлиқ реконструкция қилди, Италияда ишлаб чиқарилган замонавий, юқори технологик ускуналар келтириб ўрнатди. Натижада, турли русумдаги автомобилларнинг исталган ўлчамдаги ойналарини тайёрлаш имконияти яратилди. Мутахассислар кўмагида кадрлар малакаси оширилгач, маҳсулотлар сифати янада яхшиланди.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 32 ишчи-ходимнинг аксарияти тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир. Бу ерда уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган. Ишчилар махсус иш кийимлари билан таъминланган, бепул тушлик, барча қулайликларга эга дам олиш ҳамда тиббиёт хоналари мавжуд. Корхона ҳудудида барпо этилган боғ ва иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар эса ишчи-хизматчилар дастурхонини янада тўкин қилмоқда.

Келгусида корхонада халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган сифат тизимини жорий этиш, шунинг ҳисобидан экспортни йўлга қўйиш, маҳсулот ҳажми ва турини янада кўпайтириш мўлжалланмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XIX СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIX сессияси 2016 йил 28 декабрь куни соат 17.00 да Тўйтепа шаҳрида чақирилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш. БАБАЕВ**

2016 йил 26 декабрь

❑ Маънавият

## МУНАВВАР ТУЙҒУЛАР ЁҒДУСИ

Мустақиллик туфайли ўзлигимиз, қадриятларимиз қадр топди. Аждодларимиз, алломаларимиз сиймоси тарихий ҳақиқат ойнасида ёркин нур соча бошлади.

Яқинда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар – Самарқандга уюштирилган саёҳат чоғида илк дафъа кўнгилдан ўтган туйғулар шу бўлди.

4 ➜

❑ Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

*Тошкент ҳарбий округида ҳарбий хизматчилар оилалари учун кўп қаватли уй реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.*

*Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

## ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М. Солиев ва бошқалар мамлакатимизда замонавий қурол-яроғ ва техника, етук ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямизни шакллантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Ватанимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган тегишли давлат дастури доирасида замонавий уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бунда замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилма яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу миллий армиямиз мудофаа салоҳияти юксалаётганининг ёрқин намунасидир.

Биринчи Президентимизнинг 2007 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Бу каби эзгу ишлар самарасида мамлакатимизда 2007-2015 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ 6 мингга яқин ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланди.

40 хонадонга мўлжалланган ушбу кўп қаватли тураржой биносининг атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда яшовчи оилаларнинг фарзандлари учун бунёд этилган болалар майдончасига турли ўйин қурилмалари ўрнатилди.

Янги уй билан таъминланганлар орасида майор Мурод Пўлатов ҳам бор.

– Уй тўйига келган қариндош-уруғ ва яқинлар бизни қўшалоқ байрам билан табриклади, – деди у. – Янги йилни янги уйда кутиб олиш барчамизнинг хурсандчилигимизни икки ҳисса ошириб юборди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ҳарбийларни юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида янада масъулият билан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## КУН ТАРТИБИДА — ЁШЛАР МАНФААТЛАРИ

*Вилоят ҳокимлигида "Маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ва ёшлар сиёсатида инсон манфаатларини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.*

❑ Семинар

Анжуманда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Молия вазирлигининг вилоят бўйича назорат-тафтиш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.



Семинарда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқалар самарасини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёшларни маданий-маърифий тадбирларга жалб қилиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилганлар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг давоматини яхшилаш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш каби йўналишларда жорий йилда амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди. Йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш ҳамда янги йилда ушбу йўналишларда камчиликларга мутлақо йўл қўймаслик, шунингдек, алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

❑ Эзгулик

*Пискент тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Янги йил байрами олдидан ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексалар ва нуронийларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнгилларини кўтаришга қаратилган хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.*

## ДИЛЛАРДА АЙЁМ ҚУВОНЧИ

Кўзи ожизлар жамиятида бўлиб ўтган шундай тадбирда жамиятнинг 70 дан ортиқ аъзоси иштирок этди. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

– Туманимизда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилаётган бундай хайрли тадбирлар, аввало, кўнгли ярим тумандошларимиз, кўмак ва эътиборга муҳтож кексаларимизни шод этишга қаратилган, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси М. Мирвосилов. – Қувонарлиси, халқимизга хос бундай инсоний фазилатлар ёшлар учун тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

**Гўзал ҲАМИДОВА.**

## «ОДАМЛАР, СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМ...»

*Қушлар чуғурига, сарин шаббоданинг шитир-шитирига, ғунчалар шивирига ҳамоҳанг бўлиб, юракни тўлқинлантирганча олис-олислардан шеър эшитилади – шоир майин овозда, ҳали сиёҳи қуримаган қоғозга тўкилган қалб сўзларини ярашиқли ним табассуми ила суюклисига ўқиб беради...*

❑ Эҳтиром

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар, йиллар ўтади. Бу манзара, гўзалликнинг туғилиши халқ хотирасига абадулабад жо бўлади, ёшлик шавқига лиммо-лим ғазаллар адабиётимизнинг бебаҳо хазинасига айланади. Бинобарин, Эркин Воҳидов деганда халқимизнинг улуғ фарзанди, беназир истеъдод эгаси, моҳир таржимон, теран фикрлар соҳиби, файласуф-шоир кўз ўнгимизга келади. Халқимизнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган, аллақачон ёд бўлиб кетган машҳур ибора, гўзал ташбеҳ, нафис лутфлару қуйма сатрлар хаёлимиздан ўтади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига кўра, шу кунларда мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий-бадиий, хотира кечалари ташкил этилмоқда. Хусусан, вилоятимизда ҳам ана шундай адабиёт байрамлари кўтаринки руҳда, сўз санъати ошуфталари, мухлислар, мутахассислар иштирокида ўтаётир.

> *Қучоғинг кўп юрту давлатлардан кенг,*
> *Мен учун сен ўзинг битта жаҳонсан.*
> *Ғазалим бешиги сулув Ғазалкент,*
> *Байтларим сочилган Байтиқўрғонсан.*
>
> ***Эркин Воҳидов, 1971 йил***

Куни кеча "Дўрмон" маданият саройида бўлган "Шоирга эҳтиром" номли адабий-бадиий анжуман ҳам назм ва наво, шоиру шеъру шуур айёмига айланди, десак баайни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Анжуманни вилоят ҳокими Ш. Бобоев кириш сўзи билан очиб, Эркин Воҳидов шеърларининг фалсафий залвори, ўлмас ғоялари ҳақида фикр юритди. Шоир ижодида мавжланиб турган Ватан саодати, озодлик ва ҳуррият ғоялари ўтган асрнинг синовли йилларида – шўролар замонида халқимиз тафаккурида улкан эврилишни юзага келтиргани, порлоқ истиқбол орзусини аланга олдирганини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамкорликда ўтказган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, шоиралар Ш. Салимова, Ф. Афрўз, адабиётшунос А. Алимбеков Эркин Воҳидов ижодининг жозибаси ва ноёб қирралари ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар. Айниқса, Эркин Воҳидовнинг умр йўлдоши Гулчеҳра Воҳидова гўзал умрнинг ибратли ҳикояларини гоҳи тўлиб-тошиб, гоҳи маҳзунлик билан сўзларкан, давра аҳли "шоиру шеъру шуур"га кўмилиб яшаган фараҳбахш тақдир эгасига ҳайрат ва ҳаяжон билан боқар эди...



Тадбир давомида улуғ шоир шеърларига басталанган гўзал куй-қўшиқлар йиғилганларга хушнудлик, кўтаринкилик бахш этди.

Дарҳақиқат, Эркин Воҳидовнинг ҳароратли шеърларида инсон қалбидаги меҳр ва муҳаббатни тарбияловчи, барқамол қилувчи сатрлар бисёр. Унинг "Ўзбегим", "Инсон қасидаси", "Юрак ва ақл", "Ҳозирги ёшлар", "Тирик сайёралар", "Ўн саккизга кирмаган ким бор?" каби шеърлари, "Нидо", "Руҳлар исёни" сингари достонлари, пьеса ва таржималари салгина таъби назми бор ўзбекнинг қалб бисотига айланган.

**Давоми 2-бетда.** ➜

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

# «ОДАМЛАР, СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМ...»

Хусусан, "Нидо" достонидаги қуюқ лиризм, мурғак қалбдаги аламли ўйлар, "Уруш ва болалар" мавзуи бугун ҳам жаҳон миқёсида оғриқли масала бўлиб турган бир паллада янги-янги мазмун касб этганча юракларга муҳрланади. Бугун ҳам уруш ва тинчлик, олисларда янграётган урҳолар сурони аҳли башарни саросимага, ҳадик-хавотирга солмоқда. Тинчлик ва омонлик истаб сарсон кезаётган гўдаклар нидоси қалбларни ларзага солаётир. Шундай ўйлар оғушида, шоирнинг ўзи айтганидек, юрак қони билан битилган бу асарни такрор мутолаа қиларкансиз, сўнгги саҳифани ёпиш асносида яна ёруғ хаёллар, фақат Эркин Воҳидовга хос бўлган фалсафий мушоҳада руҳингизга таскин-тасалли беради:

*Нега эгилмасин*
*Одам кетса одам,*
*Устунга зўр келар*
*қуласа устун.*
*Бу ташвишли дунё,*
*Сермашаққат олам*
*Бизнинг елкамизда*
*қолди-ку, дўстим!*
*Уни бўронлардан,*
*Қуёшли йўллардан*
*Нурли истиқболга*
*олиб ўтамиз.*
*Биз уни олганмиз*
*Табаррук қўллардан,*
*Табаррук қўлларга*
*элтиб тутамиз.*

Эркин Воҳидов, том маънода, файласуф шоир. Унинг ижодида шундай сатрлар борки, илм-фан ва адабиёт, илмий тилда айтганда, рационал ва иррационал тафаккур ажиб бир тарзда синтезлашади. Устознинг "Тирик сайёралар" деб номланган шеъри шундай бошланади:

*"Деразамдан тушган*
*тола нур,*
*Сомон йўли каби*
*товланур".*

Ғарбнинг манаман деган фалакшунослари йиққан-терганларини жам қилиб, анда айтмишларки, ҳар қатим нур биайниҳ сомон йўлидир. Зарранинг коиноти коинотнинг ўзидек беҳудуд, бепоёндир. Дераза раҳида бир тола нур жилва қилади, тасаввур ва тафаккур кенгликлари аро узоқ сарҳадларга хаёлан сайр қиласиз, олис коинотлар қаршингизда эркаланиб ётгандек туюлади. Илмий ва адабий таҳайюлнинг бир йўналишга тушгани биринчи мўъжиза бўлса, иккинчиси, ўзбекнинг аллома шоири Ғарбнинг С. Ҳокинги дейсизми, Р. Пенроузи дейсизми, алқисса, алардек довруқли олимларидан-да ўзиб, аллақачон яралмишнинг манзарасини тафаккур чиғириғидан ўтказиб бўлган экан, ҳайҳот...

Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати тўғрисида сўз борганда, аввало, дунё адабиётининг ўлмас обидаси "Фауст" ёдга олинади. Забардаст таржимон, устоз адиб Эркин Воҳидов бу борада улкан ва масъулиятли ишга бел боғлаб, Гёте қаламига мансуб "Фауст" асарининг биринчи қисмини 1972 йили эълон қилдирган бўлса, 1985 йили асарни яхлит шаклда чоп эттирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу асарнинг ўзбекона жаранги миллий адабиётимизда оламшумул воқеа бўлди, маънавий юксалиш йўлида муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, руснинг буюк шоири, асарларида бепоён яйдоқ далалару қуюқ ўрмонлар нафаси, оташин муҳаббат тафти уфуриб турадиган Сергей Есенин шеърларини катта маҳорат билан она тилимизга ўгирди. Есенинча соддалик, маъно товланиши, оҳанг ўзбекча таржимада ҳам юксак бадиий даражада жилваланиб турадики, бу асарлар минбаъд шеърият ихлосмандларининг ардоқли мулки, мўътабар бисоти бўлиб қолди. Забардаст шоир, бундан ташқари, Виктор Гюго, Фридрих Шиллер, Иқбол, Улфат, Расул Ҳамзатов, Леся Украинка, Александ Блок асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилган. Ўз навбатида, Эркин Воҳидов қаламига мансуб "Олтин девор", "Сайланма", "Нидо" асарлари немис, француз, рус, инглиз, урду, ҳинд, араб ва бошқа бир қатор хорижий ҳамда қардош халқлар тилларида нашр этилган.

* * *

...Осмонлар бағридан, кўк тоқида оппоқ ҳовур пуркаётган парқу булутлар аро бир ўктам овоз тўлиб шеър ўқийди:

*Одамлар, сиз менинг*
*ҳаётим,*
*Ҳар бирингиз умрим*
*парчаси...*

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бошланиши 1-бетда.

❑ Партиялар ҳаётидан

# ДЕПУТАТ СЎРОВ КИРИТАДИ...

*Мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар жараёнида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг қонун, фармон ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назорати самарасини ошириш бўйича роли ва масъулияти ортиб бормоқда.*

Фуқароларни ўйлантираётган муаммо ва уларнинг таклифлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари депутатларни янада фаол ишлашга ундамоқда. Бу борада Халқ депутатлари Бекобод тумани кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда "Меҳнат ярмарка"лари ташкил этиб, ёшларни корхона, ташкилотлардаги бўш иш ўринларига жойлаштиришга, "Ягона дарча" маркази билан биргаликда якка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этишларига амалий ёрдам бермоқда. Ҳозиргача 50 нафар коллеж битирувчиси якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Жумладан, Ш. Боймуродова тадбиркорлик фаолиятини ширинлик ишлаб чиқаришдан бошлади.

Бундай ёшларнинг имтиёзли кредит олишларида партия гуруҳи банк муассасалари билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатмоқда. Натижада, бугунги кунгача туман коллежларини битирган 11 ёш мутахассисга бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришлари учун имтиёзли кредитлар берилди.

Зафар шаҳарчаси аҳолиси маҳалла кўчаларининг таъмирталаблиги боис йўловчилар қийналаётгани, шаҳарчанинг Истиқлол марказий кўчасида таксилар бетартиб тўхтаб туриши оқибатида йўл тирбанд бўлаётгани, одамлар йўл ёқаси ва пиёдалар йўлаклари атрофида ноқонуний савдо қилаётгани ноқулайликлар ва антисанитария ҳолатини келтириб чиқараётгани, айрим кўчалар, айниқса, болалар боғчалари олдидаги йўлда огоҳлантирувчи белги ва светофорга эҳтиёж сезилаётгани ҳақида депутатлик гуруҳига мурожаат қилишган эди. Ушбу масалаларни қонуний ҳал этиш мақсадида Халқ депутатлари туман кенгаши, йўл қурилиши, ободонлаштириш бошқармалари, давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари номига депутатлик сўрови киритди. Мазкур ташкилотлар томонидан ушбу ҳолатлар тезда ўрганиб чиқилди ва "Гулистон", "Бўстон" маҳаллаларидаги йўллар таъмирланди. Бошқа йўлларни тартибга келтириш учун молия бўлими маблағ ажратмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Фарҳод Камоловнинг ташаббуси билан Фарҳод маҳалласидаги 33-мактабгача таълим муассасаси биноси иссиқлик тизими ва Жумабозор қишлоғидаги 10-мактабгача таълим муассасаси биносининг ташқи ва ички қисмини таъмирлашга киришилди. Қиёт қишлоғининг айрим кўчаларидаги носозликларни бартараф этиш мақсадида туман йўл қурилиш бошқармаси раҳбарига киритилган депутатлик сўрови юзасидан ҳозир мутасадди ташкилот вакиллари аҳволни ўрганишмоқда.

Депутат Ибодат Ўтамбоеванинг қатор ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, ечимини топаётир. Жумладан, тумандаги 7 та касб-ҳунар коллежи ва 57 та умумтаълим мактабининг тиббиёт хоналарини доимий ишлайдиган ҳамширалар билан таъминлаш тўғрисида туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитасига, Янгиқўрғон қишлоғида ичимлик суви билан боғлиқ масала юзасидан "Сувоқава" филиалига, шу қишлоқдаги ички йўлларни таъмирлаш хусусида туман ҳокимлигига киритилган депутатлик сўровлари мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилиб, зарур чоралар кўрилмоқда.

**Зулайҳо ЧЎЛПОНОВА.**

*Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари иштирок этган мазкур тадбирда 2017 йил юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани баайни одамларнинг кўнглидаги иш бўлгани таъкидланди.*

# БУГУННИНГ ЗАРУРАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шу асосда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг самарали усулларини қўллаш борасида партия тизимларида фаолият олиб бораётган "Жамоатчилик қабулхоналари" фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага технологик янгиликларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. "Жамоатчилик қабулхоналари"да давлат ҳокимияти вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлар томонидан фуқаролар қабул қилиниши ва муаммоларни амалда ҳал этиш учун ҳуқуқий кўмак беришни йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатилган.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, айни пайтга қадар ХДПнинг вилоятдаги барча туман ва шаҳарларида очилган "Жамоатчилик қабулхоналари"га ўтган вақт мобайнида 935 мурожаат келиб тушган. Муаммоларнинг 71,6 фоизи ижобий ҳал этилган.

**Эъзоза АБДУМАЛИКОВА.**

❑ Қонун кучга кирди

*Ўзбекистон Республикасининг жорий йил сентябрь ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни илғор хорижий тажриба ва халқаро талабларни ўзида мужассам этгани билан аввалгисидан фарқ қилади.*

# МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Қонун 36 моддадан иборат бўлиб, унда иш берувчилар ва ходимларнинг ушбу соҳага доир талабларни бажариш бўйича масъулияти кучайтирилди, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда меҳнат шароити ва меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назоратни таъминлашга доир вазифалар белгиланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи бош омил этиб белгиланди.

Айтиш жоизки, мазкур соҳада давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника ва технология воситаларининг жорий этилиши рағбатлантирилади. Фан ва техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан кенг фойдаланилади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимлар учун ижтимоий ҳимоя кучаяди.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан яна бири шуки, унда иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалаларига оид янги тушунчалар киритилди.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу тадбирлар режасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган 7 та янги Низом ва қоидалар ишлаб чиқилиши, 9 та амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Низом ва қоидаларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиладиган 4 та янги ва 2 та амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиши белгиланган.

**У. ГАФФАРОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма прокурори.**

# МАҲСУЛОТ СЕРОБ, НАРХИ ҲАМЁНБОП

*Юртимизда Янги йил шукуҳи кезиб юрган айни кунларда байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш ҳамда аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаш мақсадида вилоятимиз ҳудудида байрамолди қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилмоқда.*

❑ Қулайлик

Айниқса, деҳқон бозорларида таъминотчи корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари аҳолига сархил ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бераётгани харидорларни мамнун қилмоқда.

Қиш кунлари бозорларимизда тўкинсочинликни таъминлаш мақсадида фермер хўжаликлари замонавий совутгичли омборхоналар қуриб, самарали фойдаланаётгани айни муддао бўлди. Масалан, шу йилнинг ўзида Паркент туманидаги "Заркент универсал", "Бакир Зуфар", "Заркент саховати", "Қизил тупроқ", "Заркент бўри омон", "Эргашев Даміржон", "Сўқоқ шароб", "Усмон ота" фермер хўжаликларида 4500 тоннага яқин маҳсулот захирага жамғарилди.

Байрам арафасида ушбу фермер хўжаликларининг пойтахт ва вилоят ҳудудидаги бозорлар расталарига чиқараётган маҳсулотлари сифати ва нархининг мақбуллиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Омборхоналарда сақланаётган маҳсулотларнинг ички эҳтиёждан ортиғи хорижга экспорт қилинмоқда.

**Ю. ФАЗЛИЕВА.**

**2017 йил учун**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**газетасига обуна бўлишни унутманг!**

# ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ҚАДРИЯТ

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, республика "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Ўзбекистон тарихчилар жамияти ҳамкорлигида "Тарих – улуғ мураббий" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.*

Партия аъзолари ҳамда фаоллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирдан мақсад она Ватанимиз тарихини ўрганиш, ота-боболаримизнинг илмий-ижодий меросларидан баҳраманд бўлиш, ёшларда буюк тарихимизга қизиқиш уйғотиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Тадбирда "Тарих – улуғ мураббий", "Қатағон қурбонлари хотираси", "Ўзбекистон – тарих силсиласида" мавзуларидаги маърузалар тингланди.

* * *

*Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 80 йиллиги олдидан "Мулки борлиқ ичра боқий шеърият" мавзуида адабий-мусиқий кеча ташкил этилди.*

Шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенгаш фаоллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокидаги тадбирда шоирнинг бой ижодий мероси, улуғ инсоний фазилатлари ҳақида фикр юритилди, ўзбек шеърияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида Олмалиқ ва Ангрен шаҳрининг ёш ижодкорлари шоир шеърлари, шунингдек, ўз машқларидан намуналар ўқиб беришди.

**С. РАҲМОНОВА.**




*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

❑ Интилиш

*Пискент туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган кураш мусобақасида жамоатчилик вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, мураббий ва ота-оналар иштирок этишди.*

# ПИСКЕНТЛИК ПОЛВОНЛАР

Таъкидлаш жоизки, якунига етаётган йилда мактабнинг 20 дан зиёд ўқувчилари белбоғли, юнон-рум кураши ва бошқа мусобақаларда қатнашиб, вилоят ва Ўзбекистон чемпиони, Ўзбекистон кубоги ғолиблигини қўлга киритишди.

Ушбу мусобақада 330 дан зиёд курашчи гиламга чиқди. Қизғин ва муросасиз ўтган баҳслар ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбир доирасида мактабнинг ўн нафар тарбияланувчисига спорт усталигига номзод, 1-даражали спортчи унвонлари топширилди. Белбоғли кураш бўйича мураббий Абдушукур Мамадалиев туманда етишиб чиққан кўплаб чемпионларни тайёрлашга қўшган ҳиссаси учун энг яхши мураббий сифатида эътироф этилди ва фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

❑ Матбуот анжумани

*Тошкент Давлат аграр университетида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан "Камалак" болалар ташкилотининг "Камалак"дан Янги йил" лойиҳаси асосида матбуот анжумани ўтказилди.*

# «КАМАЛАК»НИНГ БАЙРАМ ЛОЙИҲАСИ

Барча туман ва шаҳар "Камалак" болалар ташкилотлари раислари, ҳудудий сардорлар қатнашган тадбирда асосий эътибор ҳаракатнинг болалар учун олиб бораётган ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тизимни янада мустаҳкамлашга қаратилди.

– Мазкур лойиҳанинг ўтказилиши юзасидан ҳудудий бўлимларимизга тушган минглаб таклифлар асосида дастурнинг концепцияси тузилиб, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида байрамлар ўтказиш мақсад қилинган, – дейди вилоят "Камалак" болалар ташкилоти раиси Зебо Саманова. – Ишонамизки, байрам тадбирларимизни аҳоли, айниқса, болалар қизғин кутиб олишади.

"Камалак"дан Янги йил" дастури бўйича маҳаллалардаги кам таъминланган оила фарзандлари ва ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун қишки таътил кунларини мазмунли ташкил қилиш режалаштирилган. Байрам арафасида ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, уларни Янги йил билан табриклаш ва эсдалик совғалари билан хушнуд этиш кўзда тутилган. Мақсад – ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириб, янада кўпроқ дўстлар орттиришларига имкон яратишдир.

– Дўстларимиз билан байрам арафасида мавсумбоп ўйинлар, спорт мусобақалари, расмлар кўргазмаларини ташкил этиш ҳақида келишиб олдик, – дейди Қибрай тумани "Камалак" болалар ташкилоти сардори, 14-мактаб ўқувчиси Зарина Мангитова. – Ушбу анжуман орқали вилоятдаги сардорлар яна қўшимча таклифлар киритишди, бир-бирлари билан ўртоқлашишди.

Матбуот анжумани якунида мазкур лойиҳа доирасида амалга ошириладиган навбатдаги ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, ёш иштирокчилар ўзлари яшаётган ҳудудларда, айниқса, чекка жойлардаги имконияти чекланган, ногирон болаларни байрамга жалб қилиш юзасидан қатор таклифлар киритишди.

**Абдулазиз МУСАЕВ.**

# МАСЪУЛИЯТ – ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

*Ҳисоб-китобларга қараганда, бугун кўчаларимизда қатнаётган енгил ҳамда юк автомобилларининг 70 фоизи газ ёқилғисида ҳаракатланади. Мутахассисларнинг фикрича, сиқилган ва суюлтирилган газ ёқилғиси ҳар тарафлама фойдали. Аввало, транспортлардан атроф-муҳитга ажраладиган заҳарли газлар миқдори кескин пасаяди, қолаверса, автоуловлардаги техник носозликлар ҳам бир мунча камаяди.*

❑ Мутахассис тавсия этади

Бироқ, шуни унутмаслик керакки, суюлтирилган ва сиқилган газдан фойдаланиш, уни автоуловларга қуйиш катта масъулият ва эътибор талаб этади. Шундай экан, қуйидаги тавсияларга жиддий амал қилиш ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Биринчи навбатда, автомобилларга сиқилган ва суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаларида технологик талабларга тўлиқ риоя қилиниши шарт. Техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, меъёрий ҳужжатларни тегишли тартиб-қоидалар асосида юритиш шулар жумласидандир. Шунингдек, шахобчада ишловчи ҳар бир ходим, ёнғин хавфсизлиги учун жавобгар шахслар бу борада етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак. Белгиланган муддатларда уларнинг малакасини ошириб боришга ҳам эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатувчи ҳар бир ходимнинг уст-бошида махсус матолардан тикилган коржомалар бўлиши талаб этилади.

Автомобилларнинг газ баллони сертификатланганлигига, кўрикдан ўтганлигига эътибор қаратиш ва назоратни юритиш шахобча ходимлари зиммасидаги яна бир муҳим вазифадир. Зотан, ҳозир сифатсиз ёки муддатини ўтаб бўлган баллонлардан фойдаланиш ҳоллари ҳам, афсуски, учраб турибди.

Газ тўлдириш вақтида постларда биттадан ортиқ машиналарнинг туриши, баллонларга белгиланганидан юқори босимда газ тўлдириш, сифатсиз шланглардан фойдаланиш, шахобча ишлаб турган вақтда унинг ҳудудида турли қурилиш, пайвандлаш ишларини олиб бориш мумкин эмас.

Ҳар бир неъматдан оқилона фойдаланиш зарур. Табиий газни тасарруф этишда ҳам белгиланган меъёр ва қоидаларга риоя этилса, исрофгарчиликка йўл қўйилмаса, у чинакам турмуш фаровонлигининг муҳим кўзгусига айланади.

**Умиджон ТЎЛАЕВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлими бош технологи.**

Моҳият

## ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Бу оламда йўқотишлар ичидаги энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишидир. Одамзот тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсида яшайди. У юрагидаги эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидаги рукнларнинг – устунларнинг синмоғидир.

* * *

Кишига дунёни кўрмоқ учун кўз берилган, уни эшитмоқ ва сезмоқ учун қулоқ ва сезгилар берилган. Оламни билиш учун эса одамзотнинг тафаккури бор. Инсон дунёга келиб, дунёни билишга интилади. Кўз билан кўриш учун машаққатлар чекиб олам кезади, оҳангларни эшитиш, завқлана билиш учун мусиқа ўрганади. Ўтмишу бугунни ёрқинроқ тасаввур этиш, эртани хаёл билан қамраш учун болаликдан йиллаб меҳнат қилиб савод ўрганади, китоб ўқийди, Чунки китоб инсонга Аллоҳ томонидан мўъжизадек ҳадя этилган тафаккурни ёритувчи машъалдир.

* * *

Тоғнинг улуғлигини тасаввур қилмоқ учун ундан узоқлашиш керак бўлганидек, буюк тарихий воқеаларнинг ҳайбатини ростмана ҳис этиш учун маълум вақт масофаси лозим бўлади. Ҳозиржавоблик адибнинг яхши фазилати. Лекин у адабиётнинг белгиловчи шарти эмас. Замонавийликнинг ўзи ҳам бугунги ҳаётимизни акс эттиришгина бўлмай, замонамизга муносиб бадииятни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчи учун авторнинг ёшу қариси, унвонли, унвонсизи йўқ. У ҳамиша ёзилган сатрларга қараб, муаллифга ўз муносабатини билдиради: ё қалбига жо қилади, ё унутади, йўқликка маҳкум этади.

* * *

Инсонга бир марта бериладиган ҳаётда у умридан, ўтган кунидан қониқиб яшаши керак. Виждонига хилоф иш қилмай яшаса – бундан улуғ бахт йўқ. Ҳар бир айтган сўзинг, ишинг ўзингнинг хоҳишингга мувофиқ бўлса – энг катта бахт шу. Аксинча, инсоннинг ўз ички интилишлари, қалби, эътиқоди, сўзи билан иши ўртасида зиддият пайдо бўлса, виждони буюрганини қилолмаса, бу – инсон учун жуда катта бахтсизликдир.

Маънавият

## МУНАВВАР ТУЙҒУЛАР ЁҒДУСИ

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида қайта таъмирланиб, ўзгача кўрк, салобат касб этган буюк аждодларимиз – Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи, Абу Мансур ал-Мотуридий, Амир Темур, Хўжа Дониёр мақбаралари, Регистон, Шоҳи Зинда мажмуалари, Бибихоним мадрасаси, Улуғбек расадхонаси каби қатор тарихий обидалар пойида турар эканмиз, ўтмишию келажаги буюк халқ фарзанди бўлиш бахти, масъулияти қалбларимизга чуқур ҳаяжон, фахру ифтихор бахш этди. Айниқса, Ҳазрати Хизр масжиди мажмуаси ёнидан истиқлолимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мангу қўним топган табаррук қадамжога аста-секин кириб борар эканмиз, нурли хотиралардан кўзларга ёш инди. Оппоқ атиргулларга, оқликка бурканган қабр лойида бош эгар эканмиз, бу ердаги сокинлик, улуғворлик, беқиёс файз-тароват олдида лол қолдик.

Бошланиши 1-бетда.

Шу топда атоқли шоиримизнинг "Эркаланиб ётади, у Ватан тупроғида..." деган сатрлари беихтиёр хаёлдан ўтдию: "Отажон, руҳингиз шод, кўнглингиз хотиржам бўлсин, бошлаган ишларингиз тўла-тўкис давом этаяпти. Сиз бунёд этган мустақил Ўзбекистон тақдири ишончли қўлларда!" деган нидо ич-ичимиздан отилиб чиқаётгандек эди гўё. Зеро, нафақат Ўрта Осиё, балки дунё мамлакатлари вакилларининг миллий қадрият, урф-одат, анъаналаримизга бўлган юксак эҳтиром намунаси кўнгилларга таскин бағишлаганди. Юртбошимиз хотирасига бағишлаб Қуръони Карим оятлари ўқиб бўлинди-ю, аммо ҳеч ким ўрнидан жилгиси йўқ. Шунда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошқа зиёратчилар навбат кутиб қолишганига ишора қилиб: "Қаранг, қишнинг ёғин-сочинли кунларига қарамай, зиёратчилар қадами бир зум бўлса-да узилмаяпти. Эзгу ният, хайрли амаллар нури одамларни ҳамиша ўзига чорлаб турган бўлса не ажаб..." деди.



– Мен Самарқандга бир неча бор келганман, – дейди Зангиота тумани Ўзгариш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилором Тошматова. – Лекин бугунги зиёратдан олган таассуротларимни сўз билан таърифлолмайман. Довруғи дунёларга таралган буюк аждодларимиз зиёратидан олган маънавий қониқиш ҳисси бутун вужудимни улуғвор куч-қудратга, ишончу садоқатга тўлдиргандек.

– Самарқандга илк бора келишим, – дейди Қибрай тумани "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раъно Эргашева. – Анчадан буён кўҳна шаҳарни ўз кўзим билан кўриш иштиёқида эдим. Тадбир ташкилотчиларидан миннатдорман. Бугунги зиёратда руҳий кўтаринкилик, чуқур ҳаяжон, маънавий юксалиш, аждодларимиз билан фахрланиш туйғуларини дилдан ҳис этдим.

Ҳақиқатан ҳам, улуғ алломалар юртининг хосияти, оҳанрабоси ўзгача. Уни бир кўриш иштиёқида юрган хорижлик талабгорлар қанча. Шу ўринда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги ғамхўрликларини таъкидлаш жоиз. Бу хайрли саъй-ҳаракатлар рўёбига кенг йўл очиб берувчи аждодлар закоси, ёғдуси мангу порлайверсин.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## АБАДИЙ ЛАҲЗАЛАР

*Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Искра Шиннинг "Етти шаббода узра" номли 80 га яқин ижод намуналари кўргазмаси давом этмоқда.*

Кўргазма

Кўплаб мухлислар эътиборини жалб этган кўргазмада турли йилларда яратилган мамлакатимизнинг гўзал табиати манзаралари, йил фасллари, тарихга айланиб бораётган тураржойлар тасвири, меъморий ёдгорликлар акс этган.



Экспозициядан ўрин олган "Эрта тонг", "Қош қорайган пайт", "Кутилмаган қор", "Гуллаётган тошлар", "Йил фасллари", "Етти шаббода узра", "Абадийлик лаҳзалари", "Оқтошдаги булоқ", "Чимёнда тонг", "Сижжак" каби асарлар мухлисларга завқ бағишламоқда.

Рассомнинг кўргазмаларга тақдим этган ва каталогларидан ўрин олган асарларини кузатган киши унинг ижод намуналарида гўзалликдан ҳайратланиш, оламнинг шоирона тасвиридан завқланиш ҳиссини туяди.

Искра Шин республика ва халқаро кўргазмаларнинг доимий қатнашчиси. Унинг асарлари Ўзбекистон ва қатор хорижий мамлакатлар музей ва галереялари тўпламларидан, шахсий коллекциялардан ўрин олган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Чоршанба ҳикмати

## ЯНГИ ЙИЛ СОҒИНЧИ

Улар бир-бирларини кўрмай, билмай, тақдир тақозоси-ю ота-она розилиги билан турмуш қуришди. Жуда яхши яшашди. Ҳаётлари тинч ва осуда ўтди.

Баъзан тортишиб қолишса-да, зум ўтмай эсдан чиқаришди. Борига шукр қилишди. Болаларнинг дунёга келиши ришталарни мустаҳкамлади.

Иттифоқо эрнинг янада яхшироқ яшагиси келиб қолди. Оиласини янада бахтиёр кўргиси келди. Ишга отланди. Узоқроқ жойга. Аёли, болалари термулиб қолди...

Аёл ошхонага кирса ҳам, қўшниникига ўтса ҳам қўлида телефон. "Дадаси қўнғироқ қилиб қолиши мумкин", дейди ҳар икки гапнинг бирида.

Турмуш ўртоғи қўнғироқ қилиб қолган пайтлар юзлари яшнаб, қизариб кетади. "У киши қўнғироқ қилди, – дейди қувончини ким биландир баҳам кўргиси келиб. – Соғ-саломат ишлаётган экан. Янги йилгача қайтаман, деди".

Кейин оҳиста қўшиб қўяди:

"Қачон Янги йил келаркин?"

Турмуш ўртоғи қўнғироқ қилавермаса, аёл фаромуш аҳволда бир нуқтага термулиб, хаёлга чўмганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Аёлни кузатиб турарканман, хаёлимдан бир ўй кечди:

Муҳаббат деганлари жуфтинг, дилбандинг ёнида қаноат билан яшаш эмасми, аслида?

**Лола ЎРОҚОВА.**

Катталар ўқимасин!

## ЗЎР БЎЛИШНИНГ ШАРТИ

Бир синфда аълочи бола ўқирди. Лекин унда кўролмаслик одати бор эди. Синфнинг энг яхши ўқувчиси мен бўлишим, бошқалар ҳамиша мендан орқада юриши керак, деб ҳисобларди у.

Шунинг учун шериклари дарсда жавоб бераётганда ўртага гап қўшиб, уларни адаштирар, дафтарларига хато жавобларни ёзиб қўяр, хуллас, очиқчасига душманлик қиларди. Буни сезган ўқитувчиси бир куни уни хаттахта ёнига чақириб, нега бундай қилаётганини сўради. Болакай ичидагини яширмади:

– Устоз, ҳеч ким мендан зўр бўлишини истамайман. Энг яхши, энг аълочи ўқувчи ўзим бўлишни хоҳлайман, – деди у.

Устози хаттахтага тенг узунликдаги иккита чизиқ чизди. Сўнг сўради:

– Қара, ўғлим, ҳозир тахтадаги чизиқларнинг узунлиги бир хил. Биринчиси меники, наригиси сеники. Сеники узунроқ бўлиши учун нима қилиш керак?

– Сизнинг чизиғингизни ўчириб, қисқартириш керак, – деб жавоб берди бола.

– Бунинг яна бошқа мантиқли ва тўғри усули бор, – деди ўқитувчи ва бўр билан битта чизиқни давом эттириб узайтирди. – Кўрдингми, бу ҳолда ҳам сенинг чизиғинг меникидан узун бўлди. Менинг чизиғимга эса зарар етмади. Агар бошқалардан аъло бўлишни истасанг, уларнинг оёғидан чалишинг эмас, ўз қобилиятингни кучайтиришинг керак. Шунда синфнинг энг яхшиси бўласан, ўртоқларингга ҳам зарaринг тегмайди. Улар сенга ҳавас билан қарайди, ҳурматингни жойига қўяди.

Кичик синфдаги болалар орасида тез-тез кўзга ташланиши мумкин бўлган бу ҳолат, афсуски, катталар ўртасида ҳам учраб туради. Аслида, ўқитувчи айтган ҳақиқатни англаб етиш унчалик қийин иш эмас. Бунинг учун ҳаётга очиқ кўз ва уйғоқ виждон билан қараш керак, холос.

**Ориф ТОЛИБ.**

Эълон

**"Respublika mulk markazi" MChJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти ҳокимлиги махсус базасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, Самарқанд кўчасида сақланаётган 1. "Уза-469" русумли, д/р. 10/603МАА бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 3 040 000 сўм. 2. "Газ-452" русумли, д/р. 10/603МАА бўлган, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 3 175 000 сўм. 3. "Газ-31029" русумли, д/р. 01/603UBA бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 2 885 000 сўм, техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 январь соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 25 январь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йил 3, 10 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш: 2017 йил 3 февралдаги савдолар учун 1 февраль соат 18.00; 10 февралдаги савдо учун 8 февраль соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳисоб рақамига: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 тўлашлари шарт. Савдо ғолибига 5 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

Бекобод шаҳар ХТМФМТ ва ТЭ бўлими

барчангизни кириб келаётган

2017 йил

билан муборакбод этади.

Ушбу йилда ҳам ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, янги-янги марралар сари дадил одимлаётган қалби пок юртдошларимизнинг ишларига ривож, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Реклама ўрнида



*Газетанинг навбатдаги сони 2017 йил 1 январь куни чиқади.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-38-23, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**

Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7829. Адади 6947. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

*"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.25.